

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРИШ БЎЙИЧА
DSc. 03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

РАСУЛОВА МАСТУРА КАБИЛОВНА

**МАХСУС КИЙИМ ЭКСПЛУАТАЦИОН ИШОНЧЛИЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

05.06.04 – Тикувчилик буюмлари технологияси ва костюм дизайни

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctor (DSc) Dissertation Abstract

Расулова Мастура Кабиловна

Махсус кийим эксплуатацион ишончлилигини таъминлаш
усулларини ишлаб чиқиш..... 3

Расулова Мастура Кабиловна

Разработка способов обеспечения эксплуатационной надежности
специальной одежды 27

Rasulova Mastura Kabilovna

Development of ways to ensure the operational reliability of special
clothing 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРИШ БЎЙИЧА
DSc. 03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

РАСУЛОВА МАСТУРА КАБИЛОВНА

**МАХСУС КИЙИМ ЭКСПЛУАТАЦИОН ИШОНЧЛИЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

05.06.04 – Тикувчилик буюмлари технологияси ва костюм дизайни

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.DSc/T289 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.titli.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталига (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Ташпулатов Салих Шукурович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдукаримова Машхура Абдураимовна
техника фанлари доктори, доцент

Арипджанова Дилафруз Ўктамовна
техника фанлари доктори, профессор

Жилисбаева Раушан Оразовна
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.T.08.01 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «09» декабрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон-5, тел: (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: (+99871) 253-36-17; e-mail: titlr_info@edu.uz, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).

Диссертация иши билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (116-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон-5, тел: (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Диссертация автореферати 2021 йил «19» ноябрь куни тарқатилди.
(2021 йил «19» ноябрдаги 116 - рақамли реестр баённомаси).



И.К.Сабилов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

А.З.Маматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, т.ф.д., профессор

И.А.Набиева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертациясининг қисқача мазмуни)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон енгил саноатида тикувчилик маҳсулот турлари кенгаймоқда ҳамда уларга қўйилаётган талаб жадал суръатларда ошиб бормоқда. «Дунё тўқимачилик ва енгил саноат бозорида 2020 йилга нисбатан ишлаб чиқариш қиймати 2025 йилгача 26,2 % ни, ўртача йиллик ўсиш суръати эса 6,2 % ни ташкил этиши башорат қилинмоқда»¹. Тикувчилик саноатида турли ассортиментдаги кийимларни ишлаб чиқариш алоҳида ўрин тутиб, Италия, Франция, Туркия, Хитой, Россия каби давлатлар етакчи ҳисобланади. Тикувчилик маҳсулотларининг янги ассортимент турларини яратиш, уларнинг сифатини ошириш, хомашё сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳисобига унинг таннархини пасайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Жаҳонда юқори сифатли тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш техника ва технологиясини такомиллаштириш, уларнинг илмий асосларини яратишга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ишлаб чиқариш корхоналари, жумладан ёғ-мой саноати ишчилари махсус кийимларининг ташқи хавфли ва зарарли омиллардан химоя қилиш функциясини ошириш, гигиеник талабларга жавоб берувчи функционал кийимларни яратиш, махсус кийимнинг эксплуатацион муддатини ва ишончилигини таъминлаш усулларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий масалалар каторига киради.

Республикамызда маҳаллий хомашёнинг иқтисодиётдаги улушини ошириш, юқори технологик ишлаб чиқариш тармоқларини такомиллаштириш асосида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, маҳаллий хомашё асосида янги маҳсулот турларини қўпайтириш ва кенгайтириш юзасидан кенг камровли чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш; ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш ҳамда, энг аввало, истеъмол маҳсулотлар ва тайёр буюмлар импортининг ўрнини босиш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш; иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш...»² каби вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, республикамыздаги ишлаб чиқариш корхоналарида

¹ <https://www.marketsandmarkets.com/Market-Reports/technical-textile-market-1074.html>

² “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947 – сонли фармони

тайёрланаётган махсус кийимларни тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш, технологик жараёнларни қисқартириш, махсус кийим эксплуатацион ишончилигини ошириш, махсус кийим сифатини халқаро стандарт талаблари даражасига етказишни таъминлаш бугунги куннинг муҳим масалаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги, 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармонлари, 2016 йил 21 декабрдаги ПҚ-2687-сон «2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» ги, 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2018 йил 19 январдаги ПҚ-3484-сон «Ёғ-мой ишлаб чиқариш тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертацияни тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот Республика фан-техника ва технологиялар тараққиётининг II. «Энергетика, энергия ва ресурсларни тежаш» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Тўқимачилик ва енгил саноатда белгиланган хусусиятларга эга махсус кийим ва тўқимачилик материалларини олиш техникаси ва технологияларини ишлаб чиқиш, материаллар ассортиментини кенгайтириш, уларнинг физик-механик хоссаларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Хоханштайн Тадқиқот институти (Германия), КАТРИ тадқиқот лаборатория илмий институти (Корея), Хан Док Су номидаги Пхеньян енгил саноат институти (КХДР), «Тикувчилик саноати Марказий илмий-тадқиқот институти» ОАЖ, Давлат сервис университетининг «Тикувчилик буюмлари технологияси ва конструкцияси» кафедраси, Тольятти давлат сервис академиясининг «Кийим технологияси ва конструкцияси» кафедраси, А.Н.Косигин номидаги Россия давлат университети, Санкт-Петербург давлат саноат технологияси ва дизайн университети (Россия), Олмаота технология университети қошидаги Енгил саноат илмий-тадқиқот институти, М.Авезов номидаги Жанубий Қозоғистон давлат университети қошидаги «Тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати» илмий-тадқиқот институти (Қозоғистон) ва Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Берилган хусусиятли махсус кийимларни ишлаб чиқариш техника ва технологияларни такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: турли

мақсадлар учун мўлжалланган кийимни лойиҳалашга тизимли ёндашувни методологик асослари яратилган (Iksonic, ХХР); «инсон-кийим-атроф-муҳит» функционал тизими асосида кийимга мос мезон ва омиллар номенклатураси ишлаб чиқилган (Technische Universitat Dortmund, Германия); ишлаб чиқариш корхоналаридаги иш шароити хусусиятларини эътиборга олиб, хавfli ва зарарли омиллар таъсиридан ҳимояловчи махсус кийим комплектлари яратилган (Дон давлат техника университети., Санкт-Петербург давлат саноат технологияси ва дизайн университети, Россия); эргономик рационал конструкцияни таъминлашнинг умумий принциплари ишлаб чиқилган (Алмата технология университети, Қозоғистон).

Дунёда эксплуатацион ва функционал талабга жавоб берувчи махсус кийимларни ишлаб чиқиш бўйича қуйидаги йўналишларда қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш янги техника ва технологияларини яратиш, уларнинг илмий асосларини ривожлантириш, ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштириш, махсус кийим ассортиментини кенгайтириш, уларни ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, эксплуатацион ишончилиги юқори бўлган махсус кийимларни ишлаб чиқариш ва уларнинг физик-механик хусусиятларини оширишнинг илмий-амалий асосларини ривожлантириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Физик ва механик хусусиятларини яхшилашга мўлжалланган турли тармоқлар учун белгиланган хусусиятларга эга тўқимачилик материаллари асосида махсус кийимни лойиҳалаштириш бўйича А.Вартон, О.Эдһолм, К.Умбах, С.Ү.Тсаи, Л.Сби, Л.С.Лее, Е.Х.Меликов, Е.Б.Коблякова, П.П.Кокеткин, В.Е.Романов, М.И.Сухарев, Е.Г.Андреева, Е.Я.Сурженко, И.В.Черунова, Н.В.Афиногентова, Б.Р.Рискулова, Р.О.Жилисбаева, М.А.Нуржасарова Н.С.Мокеева, С.К.Лопандина, З.С.Чубарова, И.Н.Ивашенко, И.Н.Савельева, С.В.Куренова, М.И.Голубев каби олимлар илмий-тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Мамлакатимизда тўқимачилик ва енгил саноат соҳасининг ривожига бир қатор олимлар, жумладан, Х.А.Алимова, М.М.Муқимов, А.Д.Даминов, Х.Х.Камилова, С.Ш.Ташпулатов, В.Г.Петрунина, Ф.У.Нигматова, Д.Б.Худойбердиева, И.А.Набиева, Д.У.Арпиджанова, М.А.Абдукаримова ва бошқа олимлар ўз хиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Бугунги кунда эксплуатацион ишончилиги юқори бўлган махсус кийим ишлаб чиқиш бўйича назарий ва амалий изланишларга талаб ортиб бормоқда. Мазкур масалани ҳал этиш технологик жиҳатдан табиий толалардан тайёрланган маҳаллий тўқимачилик материалларининг кимёвий ишлов бериш натижасида олинадиган кам киришувчанлик хоссаларига эга бўлган газламалардан махсус кийимларни яратиш бўйича комплекс назарий ва тажрибавий илмий тадқиқотлар ўтказилишини талаб этади. Енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш-хом ашёдан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини қўпайтириш ва сифатини яхшилаш, тикув жараёнларининг унумдорлигини ошириш билан бевосита боғлиқдир. Ишчилар хавфсизлигини юқори эксплуатацион ва ҳимоя

хусусиятларига эга маҳаллий тўқимачилик материалларидан фойдаланишга асосланган ҳамда маҳаллий хомашё ресурсларидан фойдаланиш ҳисобига юқори сифатли махсус кийимлар ишлаб чиқиш технологиясини такомиллаштириш мавжуд муаммоларни ҳал этишда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий тадқиқот ишлари режасининг 32-сонли «Саноат корхоналари учун янги махсус кийимларни ишлаб чиқиш» (2011-2013), 5-сонли «Ёғ-мой саноати ишчилари учун янги махсус кийимларни ишлаб чиқиш» (2013-2015) ва 30-сонли «Белгиланган хусусиятларга эга бўлган янги махсус кийимлар тўпламини ишлаб чиқиш» (2019-2020 й.й.) мавзусидаги хўжалик шартномалари лойиҳалари доирасида бажарилган.

Диссертация ишининг мақсади озиқ-овқат саноати, хусусан, ёғ-мой саноати соҳаси ишчилари учун эксплуатациянинг аниқ шароити ва корхона имиджи - қиёфасини ҳисобга олган ҳолда юқори эргономик, эстетик, ҳимоя ва гигиеник хусусиятларга эга бўлган махсус кийимларнинг эксплуатацион ишончлилигини таъминлаш усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ишлаб чиқариш корхоналари ишчилари учун мавжуд махсус кийимларнинг ассортименти ва уларни ишлаб чиқаришда қўлланиладиган материаллари хусусиятларини таҳлил қилиш;

технологик операцияларнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлили, махсус иш кийимларининг эксплуатацион ишончлилигини таъминлаш бўйича хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари мажмуаси (ОВПФ) бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

эксплуатацион ишончликни таъминлашда ёғ-мой саноати ишчилари учун қўлланиладиган камқиришувчанлик хоссасини берувчи шимдириш моддаси билан ишлов берилган пахта толали газламанинг сифатини баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш;

ёғ-мой саноати ишчилари учун полимер-композицион материални қўллаш орқали деталларнинг эксплуатацион хоссаларини таъминлаш усули билан махсус кийим тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш;

махсус кийимнинг эксплуатацион ишончлилигини ошириш технологиясини такомиллаштиришни назарий асослаш;

махсус кийимнинг эксплуатацион ишончлилигини оширувчи полимер композицион материаллардан фойдаланиш асосида унинг техник-иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ёғ-мой саноати ишчиларининг меҳнат шароитлари, ишчилар учун мавжуд махсус кийимлар ва уларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган тўқимачилик материаллари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида тўқимачилик материалларининг берилган хоссалари, хом ашё тайёрлаш усуллари, тўқимачилик материаллари ва пакетларининг физик-механик хоссалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида махсус кийим ишлаб чиқариш технологиясига тизимли ёндашувнинг умумий методологияси, ижтимоий тадқиқот, тизимли-структурали таҳлил, эксперт баҳолаш, илмий тажрибани математик режалаштириш ва маълумотларни статистик жиҳатдан қайта ишлаш, тўқимачилик материалларининг физик-механик хоссаларини ўрганишнинг стандарт усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

махсус кийимларнинг эксплуатацион ишончилигини оширувчи ва ишлаш муддатини узайтирувчи мочевиноформальдегид олигомер таркибли эритмани шимдириш йўли билан тўқимачилик материаллари ва улардан тайёрланган буюмларнинг кам киришувчанлигини таъминлаш усуллари ишлаб чиқилган;

коллаген асосидаги полимер-композицион материални қўллаш орқали маҳаллий пахта толали газламадан тайёрланган махсус кийим деталларининг чок мустаҳкамлигини таъминлаш усули яратилган;

биринчи марта игна учи емирилишининг чокдаги баҳялар сони, тикиладиган газлама қавати сони ва тикув машинаси бош валининг айланиш тезлигига боғлиқлиги ва игна учи емирилишининг ривожланиш тенграмаси ҳамда прогноз баҳолаш услуби ишлаб чиқилган;

илмий тажрибани математик режалаштириш усули асосида махсус кийим деталлари ипли бирикмаларининг мустаҳкамлик кўрсаткичлари чок кенглиги, баҳялар сони ва газламанинг юза зичлигига боғланишлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

эргономик тадқиқотлар асосида хавfli ва зарарли ишлаб чиқариш омилларини махсус кийимнинг эксплуатацион ишончилигини оширишга имкон берувчи ёғ-мой ишлаб чиқариш ходимлари учун махсус кийим тўплами ишлаб чиқилган;

пахта толали газламалар ва махсус кийимларнинг кам киришувчанлигини таъминлаш усули ишлаб чиқилган;

полимер-композицион материални қўллаш орқали кийим деталларини бириктириш чокининг мустаҳкамлигини таъминлаш усули яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги катта ҳажмдаги экспериментал тадқиқотлар статистикаси, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларини таққослаш, уларнинг баҳолаш мезонларига мослиги, физик-механик хоссалар натижалари, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти махсус кийимга ишлов беришда чокдаги баҳялар сони, тикиладиган газлама қавати ва тикув машинаси бош валининг айланиш тезлиги бўйича игна учи емирилишини прогноз баҳолаш услуби ишлаб чиқилганлиги, математик режалаштириш усули асосида махсус кийим деталларининг ипли бирикмаларнинг мустаҳкамлик боғланишлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти махсус кийимларнинг эксплуатацион ишончилигини оширувчи ва ишлаш муддатини узайтирувчи

тўқимачилик материаллари ва улардан тайёрланган буюмларнинг кам киришувчанлигини таъминлаш усуллари ишлаб чиқилганлиги, полимер-композицион материални қўллаш орқали маҳаллий пахта толали газламадан тайёрланган махсус кийим деталларининг чок мустаҳкамлигини таъминлаш усули яратилганлиги, махсус кийим ассортиментни кенгайтирилганлиги ва махсус кийимларнинг хизмат қилиш муддати оширилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Махсус кийимларнинг эксплуатацион ишончилигини ошириш усуллари ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижаларига кўра:

ишчилар учун махсус кийим тўпламларига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг саноат намуналарига патентлари олинган (№ SAP 01077, 2013 й.; № SAP 01851, 2018 й.; № SAP 01950, 2019 й.). Натижада маҳаллий пахта толали газламадан тайёрланган махсус кийим комплекти хизмат муддатини ошириш имконини берган;

ёғ-мой тармоқлари ишчиларига махсус кийим тўпламлари учун конструкторлик-лойиҳалаштириш ва технологик ҳужжатлари «Нурафшон Нур» МЧЖ, «Тожинисо Файз» МЧЖ, «Нурота тикувчилик» МЧЖ, «Textile diamond invest» МЧЖ тикувчилик корхоналарида жорий этилган («O'zto'qimachilik sanoat» уюшмасининг 2021 йил 18 августдаги 03/14-2454 сонли маълумотномаси). Жорий этилган натижалар кам киришувчан хусусиятга эга пахта толали газламадан тайёрланган махсус кийим ишлаб чиқариш имконини берган;

пахта толали газламалар ва махсус кийимларнинг кам киришувчанлигини таъминлаш усулига Россия Федерацияси Интеллектуал мулк федерал хизмати томонидан ихтиро учун патенти (№ 2739185, 2020 й.), ҳамда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро учун патенти олинган (IAP 06565). Натижада тўқимачилик материалларининг камкиришувчанлигини 12 % га, мустаҳкамлигини 10 % га, ёғимланмасликни 11 % га ошириш имконини берган;

кам киришувчан тўқимачилик материалларидан тайёрланган махсус кийимлар ишлаб чиқариш «Нурафшон Нур» МЧЖ ва «Тожинисо Файз» МЧЖ тикувчилик корхоналарида («O'zto'qimachilik sanoat» уюшмасининг 2021 йил 18 августдаги №03/14-2454 рақамли маълумотномаси) апробацияси – синовдан ўтказилди ва «Нурли Дон» МЧЖ (Жиззах шаҳри) ва «SARDOBA AGRO HOLDING» МЧЖ (Тошкент шаҳри) ёғ-мой саноат корхоналарида ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Тўқимачилик материаллари ва махсус кийимларни ишлаб чиқилган технологиясини жорий этиш натижасида маҳсулотларнинг хизмат қилиш муддатини 50% га ошириш таъминланди.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Ушбу тадқиқотнинг асосий натижалари 24 та, шу жумладан 3 та халқаро ва 21 та республика миқёсидаги илмий-техник ва илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинди ва ижобий баҳоланди.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилиши. Диссертация мавзуси бўйича 50 та илмий иш чоп этилган бўлиб, улардан 14 таси диссертациялар

асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилган, шундан 5 таси Scopus халқаро маълумотлар базасига киритилган журналларда, 2 та монография ва 16 та мақола хориж нашрларида чоп этилган, 5 та патент, жумладан 1 та ихтиро учун Россия Федерацияси патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 187 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва талабгирлиги асослаб берилган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг республика фан ва технология тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилган тадбиқлари рўйхати, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Эксплуатацион ишончлиликни таъминлаш бўйича махсус кийимларни ишлаб чиқишга замонавий ёндашувлар**» деб номланган биринчи бобида махсус кийим тайёрлашга мўлжалланган ишлаб чиқариш ва берилган хусусиятларга эга тўқимачилик материалларининг ҳолати, саноат корхоналарини махсус кийимлар билан таъминлаш масалалари кўриб чиқилган. Республикадаги ва хориждаги саноат корхоналарининг иш тажрибаси ўрганилган ва умумлаштирилган, эксплуатацион ишончлиликни таъминлаш учун махсус кийимларни ишлаб чиқишга замонавий ёндашувлар таҳлил қилинган. Саноат корхоналари ишчилари учун махсус кийимлар ассортиментни ва уни ишлаб чиқаришда газламага кам киришувчанлик хусусиятини берувчи мавжуд усуллар ва матоларда кўшимча безакларни қўллаш орқали махсус кийимларнинг эксплуатацион ишонччилигини оширишни такомиллаштириш йўллари таҳлил қилинган. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, табиий толалардан тайёрланган тўқимачилик материалларининг киришиши бўйича қўйилган талаблар етарли даражада таъминланмаган, махсус кийимлар учун мўлжалланган газламаларнинг сифат кўрсаткичлари ва техник хусусиятлари тўлиқ текширилмаган.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, тўқимачилик материалларининг эксплуатацион ишонччилигини таъминлашнинг мавжуд усулларини такомиллаштириш ва янги усулларини ишлаб чиқиш, шунингдек ушбу газламалардан махсус кийимлар ишлаб чиқариш долзарб вазифа бўлиб қолаётганлигини кўрсатади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ёғ-мой саноати корхоналари ишчилари учун махсус кийим материалларининг эксплуатацион ишонччилигини ошириш**» деб номланади ва саноат корхоналарининг махсус

кийимлари учун қўлланиладиган материалларнинг сифат кўрсаткичларини ўрганиш, тўқимачилик материаллари ва тикувчилик маҳсулотларига кам киришувчанлик хусусиятларини бериш усулини ишлаб чиқишга бағишланган.

Физик - механик хусусиятларини ўрганиш учун диссертация ишида махсус кийимлар ишлаб чиқариш учун тавсия этилган ва ички бозордаги газламалар танланди. Физик-механик хоссаларини аниқлаш бўйича экспериментал тадқиқотлар Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги CENTEX.UZ сертификатлаш лабораторияси шароитларида ўтказилди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, пахта толаси полиэфир толаларига караганда сув буғларини кўпроқ шимиб олиш қобилиятига эга. Махсус кийимлар учун иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда, юқори даражада сувни шимиб олиш хусусияти, хўллаш ва намликни капилляр шимиб олиш қобилиятига эга бўлган материаллар талаб қилинади.

Тадқиқот натижаларига асосан газлама юзасининг зичлиги 210, 220 ва 230 г/м² бўлган намуналар ёғ-мой саноати ишчилари учун янги махсус кийимни лойиҳалашга тавсия этилади.

Тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики (1-расм), мавжуд маҳаллий пахта толали газламаларнинг киришувчанлиги юқори бўлиб, танда бўйича 7,5% ва арқоқ бўйича 3,5% ни ташкил қилади.



1-расм. Мавжуд пахта толали газламаларининг танда ва арқоқ бўйича киришиши

Шу муносабат билан тўқимачилик материалларига кам киришувчанлик хусусиятларини беришнинг инновацион усулини ишлаб чиқиш тўғрисидаги жиддий масала кўтарилди.

Тўқимачилик материаллари ва тикув буюмларининг киришиб кетмаслигини таъминлаш учун материаллар юзасида бир вақтнинг ўзида эркин формальдегид таркибини камайтириш ва шунингдек, ишлаб чиқариш циклини камайтириш, энергетик ресурслар, хусусан иссиқлик сарфини камайтириш, формальдегид (СН₂О) таркибини кескин камайтиришга имкон берувчи қуйидаги компонент таркиби таклиф этилди (1-жадвал).

Кўйилган муаммо ва белгиланган техник натижага пахта толали газламаларнинг кам киришувчанлик хусусиятига материални шимдирувчи сувли эритма билан ишлов бериш, кейинчалик қуритиш ва иссиқлик усули билан ишлов бериш орқали эришилади. Тадқиқотга кўра, пахта толали газламага шимдирувчи эритма билан икки босқичда ишлов берилди, биринчи босқичда материалга ишлов бериш 1 дақиқа давомида 1100С ҳароратда қуйидаги г/л микдордаги компонентларни ўз ичига олган шимдирувчи сувли эритмада

мочевиноформальдегид олигомер 95-105, акрил кислотаси 30-15, сўнгра эса материалга 3 дан 8 г/л гача бўлган калий персульфат концентрациясининг иккинчи сувли эритмаси билан ишлов берилади. Иккинчи сувли эритма шимдирилганидан кейин қуритиш 1 дақиқа давомида 110⁰С ҳароратда ўтказилади, қуритишдан кейин эса иссиқлик орқали ишлов бериш 120 дан 130⁰С гача бўлган ҳароратда 3-5 дақиқа давомида амалга оширилади.

1-жадвал

**Газламаларнинг кам киришувчанлиги учун ишлов беришда
фойдаланиладиган компонентлар таркиби**

Компонент	Сувли эритмадаги компонентлар миқдори, г/л			
	Тажрибада			Назоратда
	I	II	III	
Шимдириш учун эритма: Мочевиноформальдегид олигомер	95	100	105	-
Акрил кислотаси	30	23	15	-
Ишлов бериш учун эритма: калий персульфат	3	5	8	-
Карбамол ЦЭМ	-	-	-	120
Аммоний хлорид	-	-	-	4
Натрий дитионит	-	-	-	4
	128	128	128	128

Ип-газлама материалларга сувли эритмалар билан икки босқичда ишлов бериш жараёни мочевиноформальдегид олигомерининг қайта ишланаётган материалга таъсир кўрсатишига имкон беради ва шу билан бирга материал таркибидаги эркин формальдегид миқдорини камайтириш ва кам киришувчанлик хусусиятини таъминлашга ёрдам беради.

Тавсия этилган усул таркибида деярли эркин ҳолдаги формальдегид мавжуд бўлмаган матоларни олиш имконини беради. Газламадаги эркин ҳолдаги формальдегиднинг таркиби 0 дан 2 мкг/г гачани ташкил этади. Киришмайдиган шимдирилган эритма билан ишлов берилган газламаларнинг киришиб кетиши танда бўйича 3%, арқоқ бўйича 2% ни ташкил этади. Ишлаб чиқилган усулни қўллаш технологик жараёни соддалаштириш ва тўқимачилик материаллари киришмаслигини 12% га ошириш имконини беради.

Тажриба иши учун капрон, полиэстер, лавсан-пахта ва пахта толали тикув иплари танланди. Тадқиқот натижалари асосида намлангандан сўнг турли ассортиментдаги тикув иплари 0,5-2,8% оралиғида киришиб бориши, ҳар бир қуритишдан кейин эса капрон ва пахта толали ипларнинг киришиш кўрсаткичлари 3% гача кўтарилиши аниқланди.


Юқорида баён этилганлар асосида, махсус кийимларни тикиш жараёнида ипларнинг минимал таранглигидан фойдаланиш тавсия этилади, чунки чўзилган иплар кийиш жараёнида киришишига олиб келади. Шунинг учун тикув ипларининг киришиши матонинг киришишидан камроқ бўлиши талаб этилади. Турли ассортиментдаги тикув ипларининг киришиш кўрсаткичларига кўра, полиэстер ва лавсан пахтадан тикув иплари махсус кийимлар учун тавсия

этилади, бинобарин ушбу иплар барча параметрлар бўйича замонавий кийимлар тикишга мос келади.

Диссертациянинг «Махсус кийимлар ассортименти структурасини шакллантиришда талаб ва тамойилларни ишлаб чиқиш» деб номланувчи учинчи бўлими махсус кийимларнинг топографиясини ўрганиш, ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналари ишчилари махсус иш кийимларини таҳлил қилиш ва прогнозлаштиришга бағишланган.

Ёғ-мой саноати тармоғининг касбий фаолияти 5 та, яъни дезодорация, рафинация, кристалланиш, филтрлаш, соапсток босқичларга бўлинади. Ишчиларга амалдаги нормаларга мувофиқ махсус кийимлар берилади.

Намунадаги махсус кийим берилиш нормасига қарамай (куртка 1 йил, шим 8 ой), улар ўз муддатига етмасдан эскириб кетади (куртка 6 ой, шим 4 ой). Шу муносабат билан махсус кийим ва участкаларнинг емирилишга мойил бўлган топографияси ўрганилди.



2-расм. Энг кўп емирилишга мойил бўлган махсус кийимлар топографияси

Емирилиш топографиясини таҳлил қилиш натижасида (2-расм), куртка олд бўлагининг юқори қисми, енгнинг тирсак қисми, шим олд томонининг тизза қисми емирилишга кўпроқ мойил эканлиги аниқланди. Бундан ташқари, деталларнинг бирлаштирувчи қисмлари, масалан, чўнтакни олд бўлакка бириктириш, буюмнинг ён чоклари, енгнинг олд чоклари, яъни ипли бирикма муддатидан олдин емирилади. Шулардан келиб чиққан ҳолда, ушбу участкаларда деталларни бириктиришнинг мустаҳкамлиги ва кийим конструкцияси, яъни қўшимча деталларни лойихалаштиришга эътибор бериш тавсия этилади.

Ёғ-мой саноати тармоқлари ишчилари учун махсус кийимларни ишлаб чиқиш учун ишчилар ўртасида сўровнома ўтказилди. Эксперт –мутахассислар сифатида Тошкент шаҳридаги «Моя мечта» МЧЖ ва Жиззах шаҳридаги «Нурли Дон» МЧЖ ишчилари иштирок этишди. Анкета саволларида махсус кийимларга таъсир қилувчи ва уни ишлаб чиқишда ҳисобга олинандиган махсус кийим тўпламининг ранги, силуэти ва кўринишига боғлиқ бадий-конструктив ечим, материалларни танлаш, гигиеник ва эксплуатацион хусусиятлари, ишлаб чиқариш омилларига таъсири, емирилиш омиллари ўз аксини топган.

Маълумотларни қайта ишлаш натижасида махсус кийимни лойихалашда пахта толали газламадан тайёрланган, талаб даражасида ҳаво ўтказувчанлик ва гигроскопик хусусиятига эга, киришишга чидамли ва чоклари пишиқ бўлган тўғри силуэтли костюм рационал варианты эканлиги аниқланди.

Матрица рангини математик ишлов бериш натижалари асосида экспертлар фикрларининг бир-бирига мос келиш даражаси конкордация W коэффиценти ёрдамида баҳоланди ва конкордация коэффицентининг аҳамияти эса Пирсон критерийси бўйича текширилди.

Пахта толали газламаларнинг тажрибадаги ва назорат тажриба намуналарининг физик-механик хусусиятларининг қиёсий таҳлили келтирилган (2-жадвал).


2-жадвал

Пахта толали газламалар тажрибавий намуналарининг физик-механик кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили

Кўрсаткичлар	Асбоб	Вариантлар		ГОСТ 11209-2014
		назорат	тажриба	
Газлама таркиби, %	-	100% пахта	100% пахта	
Тўқилиш усули		саржа	саржа	
Газламанинг юза зичлиги, г/м ²		220	220	
Узилиш кучи, Н: танда бўйича арқоқ бўйича	AUTOGRAP HAG – 1	595 393	639 438	>600 >400
Узилишдаги узайиш, % танда бўйича арқоқ бўйича	AUTOGRAP HAG – 1	20 22	24,8 26,4	>20 >25
Ишқаланишга чидамлилиги, даврий	M-235	25200	39100	>2500
Ҳаво ўтказувчанлиги, дм ³ /м ² . с	AP-360 SM	17,4	22,37	>20
Гигроскопикли, %	Эксикатор	7,64	10,5	
Киришиши, % танда бўйича арқоқ бўйича	Кир ювиш машинаси	-7,5 -3,5	-3,0 -2,0	>-3,5 >-2,0
Ғижимланмаслиги, % танда бўйича арқоқ бўйича	MONSANT AW -6	54,3 52,1	67 67	
Бикрлиги, мкН*см ² танда бўйича арқоқ бўйича	ПЖУ-12М асбоби	9695,2 1789,3	9724,8 1849,3	

Газламалар хоссаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, барча асосий параметрлар бўйича ишлаб чиқилган матолар Ўзбекистон енгил саноат маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича умумий техник регламент ва ГОСТ 11209-2014 га асосан «Махсус кийим учун матолар. Умумий техник талаблар. Синов усуллари» талабларига тўлиқ жавоб беради.

Пахта толали газламани ҳар томонлама комплекс баҳолаш асосида узилиш кучи, узилишдаги узайиш, ишқаланишга чидамлилиги, киришиш каби кўрсаткичлар меёр қийматлари чегарасидан чиқиб кетади. 3-расмда келтирилган тадқиқотлар натижаларидан кўриниб турибдики, газламаларнинг танда ва арқоқ бўйича киришиши биринчи ювишдан кейин кузатилади. Ҳар бир кейинги ювишда киришиш кўрсаткичлари камаяди. Биринчи ювишдан кейин киришиш икки баравар камайган бўлса, иккинчи ювишда биринчи ювишга нисбатан 1,5 марта ва 5-ювишдан кейин эса бутунлай тўхтади.



3-расм. Кам киришувчан восита билан ишлов берилган пахта толали газламанинг киришиши (5 марта ювилгандан кейин)

Мочевиноформальдегид олигомерга асосланган киришишни камайтирувчи восита билан ишлов берилган пахта толали газламанинг физик-механик хусусиятларини тадқиқ қилишдан олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, ишлов берилган газлама барча асосий параметрлар, айниқса, киришиш хусусиятлари, емирилиш хусусиятлари, ишқаланишга чидамлилиги бўйича ГОСТ талабларига жавоб беради, бу эса газлама намуналари стандарт талабларига мувофиқлиги ва назорат варианты билан таққослаганда барча параметрлар бўйича энг яхши кўрсаткичларга эга эканлигини кўрсатади.

Диссертациянинг «**Ёғ-мой саноати ишчилари учун махсус кийим ишлаб чиқишда тажрибавий тадқиқот натижалари**» деб номланувчи тўртинчи боби оксил гидролизатига асосланган полимер композицион материални қўллаш орқали махсус кийимлар деталларининг эксплуатацион хусусиятларини таъминлашнинг янги усулини ишлаб чиқишга бағишланган.

Маълумки, буюмлар, шу жумладан, махсус кийимлар алоҳида қисмларининг (чўнтак четлари, енглари, елка чоклари, шимнинг қадам чоклари ва бошқалар) емирилиши туфайли ишдан чиқади ва яроқсиз холга келади. Натижада, кийимнинг алоҳида жойларини таъмирлашга тўғри келади. Кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш, шунингдек буюмларнинг эксплуатацион ишончилигини кўтариш ҳамда буюмнинг маълум участкаларини турли ташқи таъсирларга чидамлилигини ошириш усули ишлаб чиқилди.

Таклиф этилган технология эксплуатацион хусусиятларни яхшилаш мақсадида коллаген асосидаги полимер композициядан фойдаланганда махсус кийим чокларининг мустаҳкамлигини оширишга ёрдам беради.

Таклиф этилган усулнинг моҳияти қуйидаги таркибдаги оксил гидролизати асосидаги полимерни шимдиришдан иборат, %: ПВА – (30), акрил латекси-31-39, натрий силикат-9, оксил гидролизат -22-30. Полимер композиция маълум нуктали қоплама кўринишида тикув буюмлари чокларининг тескари томонига суртилади.

Чокнинг узиш кучига қаршилигини таъминлашда тикув буюмларнинг эксплуатацион ишончилигини ошириш учун, юқорида кўрсатилган полимерли композиция қуйидаги ингредиентлар билан қўлланилади (% да):

Акрил латекс (20%) –75 – ГОСТ 10564;

ПВА - (40%) – ГОСТ 18992;

Натрий силикат (намлик 45%) – ГОСТ Р50418-92;

Оксил гидролизат (20%) – ГОСТ 33692-2015.

Қўйилган вазифа тикув буюмлари чокларининг мустаҳкамлигини таъминлаш, хусусан, тикишда ҳар икки томонга полимер композициясини шимдириш билан чокнинг юзасига материал қатламларини тикиш усули билан ечилади, бунда коллаген асосидаги полимерли композициядан (оксил гидролизат) шимдирувчи восита сифатида фойдаланилади. Коллаген асосидаги полимер композициянинг таркиби 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Коллаген асосидаги полимер композициянинг янги таркиби

№	Компонентлар	Коллагенга асосланган полимерли композиция <i>массалардаги таркиби %, намуна</i>				Назорат
		1 - вариант	2 - вариант	3-вариант	4-вариант	
1	ПВА (40%)	30	30	30	30	-
2	Оксил гидролизат (20%)	22	25	27	30	-
3	Натрий силикат (45% намлик)	9	9	9	9	-
4	Акрил латекс (20%)	39	36	34	31	100
	Жами	100	100	100	100	100

Шундай қилиб, компонентларнинг дастлабки нисбатлари бирлаштирилиб, чок мустаҳкамлиги ва махсус кийимнинг эксплуатацион ишончилигини ошириш учун коллаген (оксил гидролизат) асосидаги композициянинг янги таркиби ишлаб чиқилган. Тўқимачилик материали сифатида «Cottonroad» ишлаб

чиқариш компаниясининг 3232 артикулли маҳаллий пахта толали газламадан фойдаланилган.

Полимер композицион материални кийим деталларини ипли бирикмасига қўллаш усулини аниқ бажариш усули қуйидагича: тикув буюмларининг чок мустаҳкамлигини таъминлаш бўйича тадқиқотлар «Cottonroad» фирмаси 3232 артикулли материал қаватларини тикишда полимер композициясини суртиш йўли билан амалга оширилади, полимер композицияси сифатида асоси 22-30% оксил гидролизатидан иборат бўлган таркибдан фойдаланилади, уни «JACK» фирмасининг (Хитой) бир игнали моки бахяли машинасига ўрнатилган курилма орқали 5-11 мм чок кенлиги учун бир метрига 3-9 грамм миқдорда суртилади.


Полимер композицион материалларни қўллаган ҳолда махсус кийимлар деталларини бириктирувчи чокнинг мустаҳкамлигини таъминлашнинг янги усули технологик жараёни соддалаштириш, адгезион мустаҳкамлигини 5,8% га ошириш, чок бикрлигини герметик ишлов бериш усули билан таққослаганда 44% га камайтириш, ишқаланишга чидамлилигини эса 7,6% га ошириш имконини беради. Назорат варианты билан таққослаганда чок мустаҳкамлиги 11% га, чок бикрлиги эса 12% га ошган.

Ёғ-мой ишлаб чиқариш ишчиларининг махсус кийимлари ўрганилганда чок турлари ва тикув чокларини тикиш учун ишлатиладиган иплар, чоклар частотаси нотўғри танланганлиги ва талабларга жавоб бермаганлиги аниқланди. Бу кўп ҳолларда чўнтаклар, енглар ва орқа томонни тикишда кузатилди.

«SENTEX.UZ» лабораториясида «STATIMAT C» махсус ускунасида ПЭ, ЛХ ва ХБ тикиш иплари мустаҳкамлигининг бахя узунлигига боғлиқлиги (4-ва 5-расмлар) ўрганилди.



4-расм. Узилиш кучининг бахя узунлигига боғлиқлиги




5-расм. Узилишдаги узайишнинг баҳя узунлигига боғлиқлиги

Синов натижаларидан кўришиб турибдики, баҳя узунлиги 2,5 мм бўлганда 100% ли SpunPolyester толасидан тайёрланган ипнинг узилиш кучи 33%, 3,0 мм бўлганда – 33%, 3,5 мм бўлганда – 25% га камайган. Узилишдаги узайиш баҳя узунлиги 2,5 мм бўлганда 25%, 3,0 мм бўлганда – 20%, 3,5 мм бўлганда – 40% га камайган. ЛХ ипларда чок узунлиги 2,5 мм бўлганда 22%, 3,0 мм бўлганда – 16%, 3,5 мм бўлганда – 27% га камайган. Пахта толали ипларда чок узунлиги 2,5 мм бўлган ипларнинг узилиш кучи 30%, 3,0 мм бўлганда – 30%, 3,5 мм бўлганда – 40% га камайган. ЛХ ипнинг 3,5 мм чок узунлигидаги узилиш кучи пахта ипига нисбатан 53%, SpunPolyester ип билан таққослаганда эса 47% юқори. Чок узунлиги 3,0 мм бўлган пахта ипи SpunPolyester ип билан таққослаганда – узилиш кучи 13% юқори, чок узунлиги 2,5 мм бўлганда пахта ип билан таққослаганда – 50%, SpunPolyester ип билан таққослаганда – 42% юқори. Чок узунлиги 3,0 мм бўлганда ЛХ ип узилиш кучи кўрсаткичи чок узунлиги 3,5 мм билан таққослаганда 13% юқори, чок узунлиги 2,5 мм бўлгани билан таққослаганда эса 6% юқори эканлиги аниқланди.

Юқорида келтирилган натижалардан келиб чиққан ҳолда, ёғ-мой саноати корхоналарининг ишчилари учун махсус кийим ишлаб чиқаришда 40 текс чизиқли зичликдаги «44LX-1» иплардан ва 3,0 мм баҳя узунлигидан фойдаланиш тавсия этилади.

Шунингдек, диссертация ишида ПКМ шимдирилган газламалардан тайёрланган махсус кийим деталларини бириктирувчи чокларнинг мустаҳкамлиги ўрганилди. Тадқиқот объектлари сифатида юза зичлиги 210, 220 ва 230 г/м² бўлган пахта толали газламалар танлаб олинди, кийим деталларини бириктиришда «44LX-1» тикув ипидан фойдаланилди, баҳя узунлиги 2,5-4 мм оралиғида, материал қалинлиги 0,4-0,5 мм, игна рақами 90-100 этиб олинди. Махсус кийим деталлари стандарт талабларига амал қилинган ҳолда таклиф этилган тикув ипи билан бириктирилди ва чок мустаҳкамлиги стандарт усул бўйича аниқланди. Тадқиқот натижалари 6-расмда келтирилган.




6-расм. Чок мустаҳкамлигининг газлама юзаси зичлиги ва баҳя узунлигига боғлиқлиги


Маълумотларни таҳлил қилиш (6-расм) шуни кўрсатадики, юза зичлиги 230 г/м² бўлган пахта толали газламадан тайёрланган махсус кийим деталларни тикишда чокнинг максимал мустаҳкамлиги Q=181 Н, полимер композицияли газламада эса баҳя узунлиги L=2,5 ва 3,0 мм бўлганда Q=190 Н ва Q=196 Н эканлигини кўрсатди. Юза зичлиги 220 г/м² бўлган пахта толали газламадан фойдаланилганда, чокнинг максимал мустаҳкамлиги Q=180 Н, полимер композицияли газламада эса баҳя узунлиги L=3,5 мм бўлганда чокнинг максимал мустаҳкамлиги Q=193 Н эканлиги таъминланди.

ПКМ ли пахта толали газлама намуналарининг узилиш кучи юза зичлиги 230 г/м² бўлган, чок узунлиги 3,0 мм бўлганда 3,0% юқори, юза зичлиги 220 г/м² бўлган пахта толали газламада ПКМ лига қараганда чок узунлиги 2,5 мм га нисбатан 3,1% юқори бўлади.

Шунингдек, игна учи емирилишининг технологик параметрларга боғлиқлиги ҳам тадқиқ қилинди. Натижалар шуни кўрсатадики, машина асосий валининг айланиш тезлигини 2000 дан 5000 мин⁻¹ гача оширилиши игна учининг емирилишини 1,5-5 мартага тезлаштиради. Қаватлар сонинг учтадан тўрттагача кўпайтирилиши – игна учи емирилишини 1,5-2 марта тезлаштиради. Чокдаги баҳялар частотасини материал қалинлигига қараб 1 см да 3 дан 5 гача ўзгартириш игна учи емирилишини 1,5-2,5 марта оширади (7-расм ва 8-расм).



7-расм. Машина асосий ваги айланишлари сонининг игна учи емирилишига таъсири (материал қаватлари сони - 3)



8-расм. Машина асосий ваги айланишлари сонининг игна учи емирилишига таъсири (материал қаватлари сони - 4)

Турли механик қурилмаларнинг ишончлилигини тахмин қилишнинг мураккаблиги нафақат ишқаланиш ва емирилиш, балки кўплаб омилларга боғлиқ, бироқ, шу билан биргаликда, деярли барча омиллар ўзи емирилиш давомида ўзгариши мумкин. Иш вақти ёки ишқаланиш юзасининг емирилиш интенсивлигига қараб эскиришни $z(x)$ ўзгартириш масаласини экспериментал ёки ҳисоблаш йўли билан ечиш мумкин.

Кўп ҳолларда, емирилишнинг ўртача тезлиги доимий қолмайди. Одатда ўзгарувчан тезликдаги емирилишда парабола кўринишида тавсия этиш мақсадга мувофиқдир.

Игна учи емирилишининг чокдаги материал қаватлари сони, чоклар частотаси ва машина асосий ваги айланишига боғлиқ ҳолда экспериментал тадқиқот маълумотларига кўра емирилишнинг ривожланиш тенгламасини тузамиз. Шундай қилиб, материал қаватлари сони 3 га тенг, чоклар частотаси – 3 бўлса, айланишлар $X_1=6 \cdot 10^4$ бўлганда, емирилиш $z_i=0,006$ мм. ни ташкил қилади, $X_2=9 \cdot 10^4$ айланишлар давомида ишлаганда емирилиш $z_2=0,01$ мм, $X_3=15 \cdot 10^4$ - $z_3=0,03$ мм. ни ташкил қилади.

Шундай қилиб, тикиладиган материаллар сони 3 га тенг бўлганда, 3;4 ва 5-катордаги даражалар частотаси учун қуйидаги тенгламаларга эга бўламиз

$$\left. \begin{aligned} x &= 970.74 * 10^5 z^2 + 0.675 * 10^5 \\ x &= 738.46 * 10^5 z^2 + 0.618 * 10^5 \\ x &= 440 * 10^5 z^2 + 0.437 * 10^5 \end{aligned} \right\} \quad (1)$$

4 га тенг бўлган тикиладиган материаллар сони учун куйидаги емирилишни ривожлантириш тенгламалари олинади (қатордаги чоклар частотаси 3, 4 ва 5):

$$\left. \begin{aligned} x &= 738.46 * 10^5 z^2 + 0.618 * 10^5 \\ x &= 875 * 10^5 z^2 + 0.0887 * 10^5 \\ x &= 327.27 * 10^5 z^2 + 0.2577 * 10^5 \end{aligned} \right\} \quad (2)$$

Емирилишни ривожлантириш (1) ва (2) тенгламаларидан тикув машинасининг асосий вали айланишлари сонига боғлиқ бўлган емирилиш z ни олиш мумкин. Масалан, емирилишга боғлиқ тенгламалар (1) z кўринишга эга бўлади

$$\left. \begin{aligned} z &= \sqrt{\frac{x-0.675*10^5}{970.74*10^5}} \\ z &= \sqrt{\frac{x-0.618*10^5}{738.46*10^5}} \\ z &= \sqrt{\frac{x-0.437*10^5}{440*10^5}} \end{aligned} \right\} \quad (3)$$

Боғлиқлигига кўра (3), тикув машинаси асосий валининг айланишлар x сонига қараб игна учининг емирилишини прогнозлаб баҳолаш мумкин. Бунда агар куйидаги нисбатдан фойдалансак, айланишларнинг умумий сонини t вақт бўйича ифодалаш мумкин,

$$\frac{x}{n*60} = t, \text{ соат}$$

бунда n - асосий валнинг айланиш частотаси, мин⁻¹

